

**АДАБИЙ ТИЛ** — матбуот, фан, радио ва телевидение, расмий хужжатлар, бадиий асарлар, илмий китоблар, давлат корхоналари, ўқув юртлари ҳамда мажлислар тили. Адабий тил грамматик қоидаларга солинган, катъий талаффуз нормаларига эга бўлган, энг мухими, турли шеваларда гаплашувчи кишилар учун тушунарли бўлган сўзлашув воситасидир. Адабий тил ўз мақсад ва вазифаларига кўра бир неча (расмий услуб, бадиий-публицистик услуб...) услублардан иборат бўлиши мумкин. Адабий тил умумхалқ тили билан узвий алоқада бўлади. Ундаги янги сўз ва ибораларни қабул қилиш ҳисобига бойиб боради. Адабий тилнинг оғзаки ҳамда ёзма кўринишлари мавжуд.